

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 93-ҳадис

93- عَنْ أَبِي إِيُوبَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ صَامَ رَمَضَانَ ثُمَّ أَتَبَعَهُ سِتًّا مِنْ شَوَّالٍ كَانَ كَصِيَامَ الدَّهْرِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Аюб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким Рамазон рўзасини тутиб, кетидан Шавволдан олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади», дедилар».**

Ином Муслим ривоятлари.

**Шарҳ:** Пайғамбар алайҳиссалом биз мусулмонларга дунё ва охиратда манфаат берадиган нарсаларни насиҳат қиласардилар. Ана шулардан бири, Рамазондан кейинги Шаввол ойида олти кун нафл рўза тутишdir. Бу билан бир йил рўза тутганлик савобига эришиш имкони насиб бўлади. Чунки, бир яхшиликка Аллоҳ ҳузурида ўн баробар қилиб ажр-савоб берилади. Рамазон ойидаги 30 кунлик рўзани 10 га кўпайтирсак, йиғиндиси- 300 кун бўлади. Шаввол ойидаги 6 кунлик рўзани 10 га кўпайтирсак, йиғиндиси- 60 кун бўлади. Жами: 360 кун рўза бўлади. Демак, ким бир йил тўла рўза тутишни истаса, шаввол ойидаги 6 кунлик рўзани тутсин!

### Ҳадисдан ўргангандаримиз

- Пайғамбар алайҳиссалом Шаввол ойидаги олти кунлик рўзани тарғиб қилганлар.
- Ушбу кунларни Шавволнинг олти куни деб номлаш шарт, бошқача номлаш жоиз эмас.
- Рамазон ойидаги 30 кунлик рўзани 10 га кўпайтирсак, йиғиндиси -300 кун бўлади. Шаввол ойидаги 6 кунлик рўзани 10 га кўпайтирсак, йиғиндиси -60 кун бўлади. Жами 360 кун бўлади. Демак, кимки йил бўйи рўза тутганни савобига эришмоқ истаса, Шавволнинг олти кунлик нафл рўзасини тутсин. **30x10=300+6x10=60=360.**



NUBUVVAT MARVARIDLARI